



THE ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN PUBLIC RELATIONS AS A FACTOR OF EFFECTIVE COMMUNICATION WITH THE POPULATION

Jahongir Ismoilov

Independent researcher

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: internal affairs bodies, stability, civil peace, public safety, society, state, citizens, public, citizens' interest.

Received: 13.01.26

Accepted: 14.01.26

Published: 15.01.26

Abstract: One of the important ways of improving the activities of internal affairs bodies is their communication and constant communication with the public and citizens. Improving relations with the public in the system is important in forming today's democratic legal state and ensuring social stability.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ФАОЛИЯТИ АҲОЛИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ОМИЛИ

Исмоилов Жаҳонгир

Мустақил изланувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, барқарорлик, фуқаролар осойишталиги, жамоат хавфсизлиги, жамият, давлат, фуқаролар, жамоатчилик, фуқаролар манфаати.

Аннотация: Ички ишлар фаолиятини муҳим уларнинг бири уларнинг жамоатчилик ва фуқаролар билан алоқаси ва доимий мулоқоти ҳисобланади. Тизимда жамоатчилик билан алоқаларни такомиллаштириш бугунги демократик ҳукукий давлатни шакллантириш ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО СВЯЗЯМ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ КАК ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ С НАСЕЛЕНИЕМ

Жахонгир Исмоилов

Независимый соискатель

Самаркандского государственного института иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: органы внутренних дел, гражданский мир, безопасность, граждане, общественность, интересы граждан.	Аннотация: Одним из важных путей совершенствования деятельности органов внутренних дел является их связь и постоянное общение с общественностью и гражданами. Совершенствование связей с общественностью в системе имеет важное значение для формирования современного демократического правового государства и обеспечения социальной стабильности.
---	--

Ички ишлар органлари бевосита мамлакатда фуқаролар осойишталиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган жадал ва ўта масъулиятли фаолиятни олиб боради. Мазкур тизим жамият ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида давлат ва фуқаролар манфаатига оид муҳим ва тизимлашган функцияни бажаради. Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг жамоатчилик ва фуқаролар билан алоқаси ва доимий мулоқоти ҳисобланади. Бу бевосита ички ишлар тизимининг аҳоли билан очик, ошкора ва эркин асослардаги мулоқотга киришиш жараёнининг ижтимоий муносабатлардаги нечоғлиқ аҳамиятли жараён эканлигини кўрсатади. Бу жараён инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Ички ишлар органларида жамоатчилик билан алоқалар билан боғлиқ жараёни такомиллаштириш бугунги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришда муҳим масала ҳисобланади. Ички ишлар тизимидаги идоралар ўзларининг давлатда ижобий характерга эга бўлган имиджини яратишда жамоат ва фуқаролар билан узвий боғлиқликда саъй-ҳаракатлар олиб боришлари муҳим жараён ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик муҳим вазифа эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис, кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга устувор эътибор қаратилмоқда” .

Бу борада ички ишлар тизимидаги барча идоралар, инфратузилмалар ва ташкилотларнинг кенг жамоатчилик билан доимий равишда узвий алоқаларни ўрнатиш истиқболли аҳамиятга эга ҳисбланади. Ўз фаолияти жараёнида катта самара берадиган жамоатчилик билан алоқалар жараёни ички ишлар тизимининг ўзининг олиб борадиган функционал вазифалари бўйича манфаатдор бўладиган тарафлар билан доимий мулоқотни таъминлаш, биргаликда ҳаракат қилиш ва жамият манфаатлари доирасида ҳамкорлик қилишга олиб келади.

Мазкур тизимда мамлакатимизда муҳим ислохотлар олиб борилмоқдаки, масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10 қарорининг олтинчи бандида ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш йўналишида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилиши назарда тутилган” .

Бугунги ахборотлашган жамиятда ҳар қандай ташкилот ёки идоранинг омма билан алоқа ўрнатиши ва ўзининг фаолият йўналишини мувофиқлаштириши муҳим жараён тусини олмоқда. Шунинг билан биргаликда, оммавий коммуникация, кенг қамровли медиа, теле ва радио дастурлар, онлайн алоқа ва бошқа ахборот каналлари ички ишлар органларининг жамоатчилик билан алоқаларини таъминлашда муҳим воситалар ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ва уларнинг ходимлари замонавий янги алоқа коммуникациялари билан боғлиқ мулоқот каналларини жамоат билан алоқа қилишда унумли фойдаланишлари ва жамиятнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсатини ҳаётий амалиётини таъминлаш учун янги-янги инновацион дастурларни жорий этишлари муҳим ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамоатчилик билан алоқалар жараёнининг ҳар бир босқичида турли демократик тамойилларга асосланган ўзига хос хусусиятлар амал қилади. Таъкидланишича, “Жамиятнинг маънавий ҳаётини бошқариш олдида қўйилган мақсад эса илм-маърифатни, маданиятни, ҳар томонлама камол топган юксак интеллектуал, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кишини тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқариш олдида қўйилган мақсад ижтимоий тафовутларни бартараф этиш, жамиятнинг ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир. Биз яшаётган жамият муваффақият билан ривожланиш учун юксак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак” . Бу эса, ҳар қандай давлат идорасининг ижтимоий муносабатларда

маърифат, тарбия ва маънавият билан иштирок этиши, жамоатчилик ва аҳолига хизмат қилишни илмий асосда ташкил этиши заруратини юзага чиқаради.

Шу билан биргаликда, истиқболда ички ишлар идораларида жамоатчилик билан алоқаларга асосланган компетенцияни такомиллаштириш уларнинг ҳудудларда оёйишталик ва жамоат хавфсизлини таъминлашга ўзига хос тарзда самарали таъсир кўрсатади. Э.Каспарованинг таъкидлашича, “Шундай қилиб, ички ишлар органларида жамоатчилик билан алоқалар жараёни махсус мақомга эга бўлган, профессионал тартибда ишлайдиган ва юқори ҳуқуқий мақомда ташкил этиладиган бошқарувга алоқадор бўлган функцияси ҳисобланиб, у ички ишлар тизимини фуқаролар ва фуқаролик жамияти таркибий институтлари билан самарали алоқаларини доимий қўллаб-қувватлаш вазифани бажаради, бу жараёнда фуқароларнинг ижтимоий йўналтирилган манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади”.

Кенг қамровли ва истиқболли режаларга асосланган жамоатчилик билан алоқалар ички ишлар тизимини жамиятда имиджини яхшилаш, ўз фаолиятида эришадиган ижобий натижаларини яхшилашга ёрдам беради. Шунингдек, у ҳар бир ҳудудда ички ишлар органларининг кенг масштабдаги фаолияти борасидаги ахборотларни ўз вақтида аҳолига етказиш ва фуқароларнинг ахборотга бўлган доимий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Умуман олганда, ички ишлар идораларида жамоатчилик билан алоқалар жараёнини такомиллаштириш соҳада замонавий бошқарувнинг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади, аҳоли ўртасида ўз фаолиятини муваффақияти олиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси тузилди. Қарорда қайд этилишича, “қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари фаолиятини ахборот кузатуви ишларини мувофиқлаштириш, улар мансабдор шахсларининг фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва брифинглари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотларини ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида аҳолига ўз вақтида ва ишончли ахборот етказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;

худудий ички ишлар органларининг матбуот хизматлари фаолиятига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, уларни республиканинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишларини таъминлаш”.

Ички ишлар органларида жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишдан кўзланган мақсад идора тизимида хизмат фаолиятининг кенг қамровлиги ва мураккаб шароитларга эга эканлигини ҳисобга олиб, касбий жиҳатдан профессионал, аниқ йўналтирилган ҳамда юқори ишчанлик билан ҳаракатланишга эришишдан иборат. Мамлакатимизда жиноятчиликнинг баъзи турларини ўсиши, глобал таъсирлар туфайли ҳуқуқбузарликлар тармоғининг бирмунча кенгайиб бораётганлиги ички ишлар органлари ходимлари олдида янада юқори масъулият билан хизмат қилиш вазифасини юкламоқда. Бугунги замонавий шароитда ички ишлар ходимлари олдида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш ва бу жараёнда халқчил услублар ва технологиялардан фойдаланиш борасида кўрсатмалар берилмоқда. Бу эса, Республикамизда инсонпарвар ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ижобий қўламдаги ишларни янада такомиллаштириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардир.

Мазкур жараёнларнинг самарали таъминланишида жамоатчилик билан алоқалар хизматининг шаффоф ва демократик услубларга асосланиб фаолият олиб бориши, уларнинг ҳар қандай конфликтли вазиятларда ҳам босқичлик билан ишларни ташкил этиши муҳим омил ҳисобланади. Д.Ваҳобжоновнинг таъкидлашича, “Ички ишлар органларининг ислоҳ қилиниши - фуқароларга, жамиятга, унинг институтларига очиқлик, шаффофлик, мавжудлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик асосида хизмат қилиш жамоатчилик билан алоқалар бўйича ишларни сифат жиҳатидан юқори даражада ташкил этишни назарда тутди. Жамоатчилик билан алоқаларнинг илғор технологияларидан янада фаол фойдаланила бошланди, бу ерда фикр-мулоҳазалар мажбурий бўлиб, ушбу ишни амалга оширадиган ташкилий тузилмаларни яратиш ва босқичма-босқич институционализация қилиш бошланди”.

Демак хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларининг аҳоли ва жамоатчилик билан ишлашда юксак даражадаги масъулият билан ёндашиши лозимлигини ҳам белгилаб беради. Ички ишлар органларида фаолият олиб бораётган масъул ходимларини олиб борадиган профессионал фаолиятининг муҳим ва ажралмас хусусиятларидан яна бири бу кенг қамровдаги ижтимоий муҳит билан ўзаро муомалага кириша олиш қобилиятини намоён бўлиши борасидаги хатти-ҳаракатларни ташкил этувчи коммуникативликдир. Тизимда ушбу ваколатларини қўлланиб борилиши уларнинг кишилар, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда ўта эҳтиёткорона ҳаракат қилиш, ижобий алоқаларга путур етказмасликка интилиш умумий ишда барқарорликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ва фахрийларига табриги. 25 октябрь, 2022 йил. <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-ichki-ishlar-organlari-khodimlari-va-fakhrijlariga-tabrigi>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2023 йил 20 январ. ПҚ-10 // <https://lex.uz/docs/6364837>.
3. Axunova G.N. Ta’lim xizmatlari bozorida marketing faoliyati va uni takomillashtirish: I.f.d ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dis.avtoreferati -Т.: 2004.
4. Каспарова Э. Связи с общественностью в деятельности органов внутренних дел России (на примере краснодарского края). //Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. -Краснодар, 2008 г. –С. 10-11.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 30.10.2017 й. 882-сонли. <https://lex.uz/docs/3398813>.
6. Ваҳобжонов Д. Ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги. “PEDAGOGS” international research journal. Volume-30, Issue-1, March – 2023.